

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2019 йил май ойининг 24 куни, жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: У.Мамадалиев,

судья ёрдамчиси С.Қурбонбекованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси, Ангрен шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Б.Кенжаев, судланувчи Р.Хайткулова ва уни ҳимоячиси З.Кадырова, жабрланувчи Ш.Тургунов ва унинг ҳимоячиси М.Раимқуловларнинг иштирокида, Хайткулова Рахила Муминовнага нисбатан 1-1104-1902/55-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

Хайткулова Рахила Муминовна – 1961 йил 09 июлда Тошкент вилояти, Оҳангарон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ажрашган, бир нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Ангрен шаҳар, Нуробод кўрғони, 30-уй, 74-хонадонда доимий рўйхатда туриб, Оҳангарон шаҳар, 3-кичик тумани, 2-уй, 13-хонадонда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида” тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 01 апрелда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 453-457, 463, 465-468, 473-моддаларига асосан суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И

Хайткулова Рахила Муминовнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 3-қисми билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисмининг 2-бандига асосан жазо тайинланмасин.

Хайткулова Рахила Муминовна Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 228-моддаси 2-қисми “б” бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Хайткулова Рахила Муминовнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми "б" банди билан 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Р.Хайткулова сутканинг соат 22-00 дан 06-00 гача бўлган вақтида муқим яшаш жойи аниқ бўлгунига қадар, вақтинча яшаб келаётган

Оҳангарон шаҳар, 3-кичик тумани, 2-уй, 13-хонадонда чиқиши чеклансин.

Р.Хайткулованинг зиммасига:

маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз, яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Тошкент вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча чеклашлар юклансин.

Р.Хайткуловага агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати жазо ижросини назорат қилувчи органларда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Оҳангарон шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.

Хайткулова Раҳила Муминовнага қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Р.Хайткуловадан жабрланувчи Тургунов Шухрат Абдурахатович фойдасига етказилган моддий зарар 7.100.000 (етти миллион юз минг) сўм ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, ашёвий далил деб эътироф этилган ва жиноят ишига илова қилинган қуйидаги ҳужжатлар;

- фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 20.04.2017 йилдаги 1-1697-17-сонли фуқаролик иши ҳужжатларидан нусха олиниб жиноят ишига қўшилсин, ҳужжатнинг асли нусхаси фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига қайтарилсин.

- Ангрен шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги хусусийлаштириш бўлиmidан Ангрен шаҳар Нуробод кўрғони, 30-уй, 74-хонадон бўйича 15.06.2016 йилда тузилган далолатнома асли жиноят ишида сақлансин.

Жиноят оқибатида манфаатдор тарафларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

У.Мамадалиев

Аслига тўғри:

